
Кексалари эъзозланган юрт!

Кексалари эъзозланган юрт!

Маълумки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалбида инсонийлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик каби ижобий хислатлар жой олгани ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йилларда юртимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган жуда катта эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб келаётган отахон ва онахонлар ўзларини ёшаргандек ҳис қилмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора тadbирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ 2019 йилдан бошлаб ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси юртимизда “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланган.

Мазкур ҳафталик доирасида мамлакатимиз бўйлаб, турли маънавий – маърифий тadbирлар, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш –халқимизга хос эзгу фазилат" деган бош ғояни ўзига мужассам этган "Кексалар ҳафталиги" доирасида Риштон туманида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Истиқбол” МФЙда истиқомат қилаётган нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

“Кексалар ҳафталиги” доирасида ўтказилаётган тadbирлар келажагимиз бунёдкорлари учун катта тажриба мактаб бўлмоқда, десак хато бўлмайди. Зеро, кексаларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб, уларнинг олтин ўғитларига амал қилиб яшаш комиллик, турмуш фаровонлигимиз ва тинч-осойишта ҳаётимизнинг тамал тошидир.

Кеча Пандигон МФЙ томонидан ташкил этилган тadbирда мактаб ўқувчилари нуронийлар ҳолидан хабар олишиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраман бўлишди.

2021-10-09 06:41:45